

Оға-инилик иноқликдир

05:00 / 01.03.2017 3965

Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилади: Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) бундай деб марҳамат қилдилар: "Бир-бирингизга ҳасад қилманг. Ўрталарингизга совуқлик солманг! Бир-бирингизга душманлик қилманг! Бир-бирингиздан узилиб кетманг. Бирингиз иккинчингизнинг савдоси устига савдо қилмасин. Аллоҳнинг бандалари бўлинглар. Муслмон муслмоннинг оға-инисидир. Бир-бирига зулм қилмайди, ёрдамини аямайди, ёлғон сўзламайди, нафрат қилмайди. Тақво бу ерда, — дедилар ва қалбларига уч бор ишора қилдилар. — Муслмоннинг муслмон қардошидан нафратланиши етарли ёмонликдир. Ҳар бир муслмоннинг қони, моли ва обрўси муслмонга ҳаромдир" (Имом Муслим ривояти).

Муслмон муслмоннинг оға-инисидир. Оға-инилик аҳил-иноқ яшашни, бир-бирига елкадош бўлишни, ўзаро ҳамжиҳат бўлишни тақозо қилади. Ҳасад, совуқ муносабат, душманлик оға-иниликка ярашмайди. Оға-инилар ўргасидаги муносабат кўнгилни қолдирадиган ҳаракат бўлганидагина бузилади. Бир-бирининг ҳақиқага тажовуз қилиш, бир-бирига сабр қилмаслик, ёлғон сўзлаш, баъзи одатларини ёқтирмаслик кўнгилни қолдиради. Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) бу ҳадисларида бизларни оға-иниликка нолайиқ хислатлардан огоҳ этиб, улардан қайтармоқдалар.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом): "Тақво бу ерда", деб қалбларига ишора қилдилар. "Билинги, танада бир гўшт парчаси бор. У яхши бўлса, бутун тана бошқаларга қийинчиликларни енгишида кўмак бериши лозим. У ўзини бошқа муслмонлардан афзал деб билмаслиги керак. Чунки оқибат маълум эмас. Ҳеч ким ўзининг оқибати қандай бўлишини билмайди. Шунинг учун ўзидан кичик ёшдаги муслмонни кам гуноҳ қилган деб эъозлаши лозим. Ўзидан катта ёшдаги муслмонни савоб ишлари кўпроқ деб ҳурмат қилиши, юқори қўйиши керак.

Пайғамбаримиз (алайҳиссалом) Вадо ҳажида бундай деганлар:
"Қонларингиз, молларингиз, номусларингиз бир-бирингизга шу ўлка
(Байтул Ҳаром), шу ой, шу кун каби ҳаромдир". Одамларни ғийбат қилган
ва бошқаларнинг номусига тажовуз этган кимсаларга Аллоҳ таоло қаттиқ
азоб бериш билан таҳдид қилади: "...Ким у жойда зулм-зўравонлик билан
йўлгга чиқмоқчи бўлса, (буларнинг ҳар бирига) аламли азобдан тотдириб
кўюрмиз" (Ҳаж, 25).

Имом Муҳиддин Закариё ибн Шараф НАВАВИЙ